
ПРЕСС-РЕЛИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 24 сентябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари натижасига кўра "қониқарсиз" баҳоланган Фурқат туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари тўғрисида

ПРЕСС-РЕЛИЗ

Мамлакатда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш, аҳоли билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини ошириш, ҳудудларни жадал ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши мақсадида Давлатимиз раҳбарининг **2020 йил 1 майдаги "Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"**ги ПҚ-4702-сон қарори қабул қилиниб, унга кўра туманлар ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳар йили рейтинг баҳолаш тизими жорий этилди.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 24 сентябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари натижасига кўра **Фурқат тумани "қониқарсиз ҳудуд"** деб баҳоланди.

Бунинг сабабини ҳар бир йўналиш кесимида таҳлил қилганимизда **қуйидаги йўналишлар бўйича** паст кўрсаткичлар қайд этилганлигини кўришимиз мумкин.

1-йўналиш: Иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик кўрсаткичлари бўйича ҳудудий саноат маҳсулотлари ҳажми 2019 йилда **102,0 млрд.сўмни** ташкил қилиб, бу кўрсаткич вилоят саноатидаги улуши **0,5 фоизни** ташкил этган бўлса, аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ҳажми **699,0 минг.сўмга** тўғри келган.

Мазкур йўналиш бўйича биринчи навбатда дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, **жорий йил якунида** тумандаги қиймати **86,0 млрд. сўмлик 13 та** саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларини ишга тушиши натижасида ҳудудий **саноат маҳсулотлари** ҳажмини ўтган йилга нисбатан **106,5 фоизга (139,2 млрд.сўм)** ўсиши, аҳоли жон бошига эса **1 млн. 186 минг сўмга** тўғри келиши кутилмоқда.

2-йўналиш: Меҳнат бозорининг самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлил қилинганда меҳнатга лаёқатли аҳолимиз **48,2 минг нафарни**, шундан иш билан банд аҳолимиз **43,6 минг нафарни**, ишсиз аҳолимиз **4,6 минг нафарни** ташкил этади. Ишсизларнинг **1039 нафари аёллар, 1463 нафари ёшлардан** иборат. Хорижда ишлаётган фуқароларимиз 1282 нафар.

2018-2020 йиллар давомида **5941 нафар** фуқаролар томонидан ишга жойлашиш масаласида бандлик марказларига мурожаат қилинган бўлиб, **2659 нафарни** ишга жойлаштиришга эришилган холос. Бандлик даражасини ошириш бўйича бундан ташқари, мавсумий ҳақ тўланадиган жамоат ишларига

2946 нафар фуқаролар жалб этилган бўлиб, 2019 йил давомида **1053 нафар** фуқаролар мавсумий ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган. 2020 йилнинг ўтган даври мобайнида **1893 нафарни** ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан қарийб **45% га** ошган.

Шунингдек, туманда кам таъминланган, ишсиз, томорқасидан самарали фойдаланиш истагини билдирган фуқаролардан ўтган 2 йил давомида **87 та** хонадонларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия асосида Енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2019 йилда мазкур жамғарма маблағларидан **24 млн сўм**

ҳисобига 11 нафар фуқароларга иссиқхоналар қуриб берилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2020 йилда қарийиб **200 млн.сўм** субсидия маблағлари ҳисобига **76 нафар** фуқаролар иссиқхоналар қуриб берилди, 2019 йилга нисбатан ушбу маблағ миқдори **7 баробар**га ортиди.

Хулоса қилиб айтганда, 2018 йилда туманда ишсизлик даражаси **9,9 %** ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2020 йилнинг ўтган даврига нисбатан **9,6 %ни** ташкил этиб, 2020 йилда кузатилаётган Коронавирус пандемиясига қарамасдан ишсизлик даражаси **0,3 %**га пасайди.

3-йўналиш: Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва диверсификацияси кўрсаткичлари йўналиши бўйича 2019 йилда экспортга йўналтирилган саноат маҳсулотлари **ҳажми 41,0 млрд. сўмни** ташкил этиб, ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларига нисбати **39,9 фоизни** ташкил этган.

2020 йилда 8 та саноат лойиҳаларида **65,2 млрд. сўмлик** саноат маҳсулотларини экспортга йўналтириш орқали, ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларига нисбати **46,8 фоизни** ташкил этиши кутилмоқда.

2020 йилда туманда 21 гектар майдонда **қишлоқ хўжалигида сувни тежаш технологиялари** жорий этилди. 2021 йилда **38 та** фермер хўжаликларида **2000 гектар** ер майдонига сувни тежаш технологияларини жорий қилишни режалаштирилди.

4-йўналиш: Ишбилармонлик муҳити ва тадбиркорликни ривожлантириш сифат кўрсаткичлари бўйича 2019 йилда ҳорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорлик борасида асосий капиталга инвестициялар киритилмаган.

2020 йил якуни билан туманда **35,0 млн. АҚШ долларилек** жами инвестициялар ўзлаштирилиши белгиланган бўлиб, шундан тўғридан-тўғри ҳорижий инвестициялар **6,7 млн. АҚШ доллари**ни ёки **19,1 фоизни** ташкил этиши кутилмоқда.

(Мисол учун: Хитой давлатининг “BNBM BUILDING MATERIALS CENTRAL ASIA” МЧЖ ҳорижий корхонаси томонидан гипсокартон ва метал профиллар ишлаб чиқариш лойиҳасини ишга тушрилиши натижасида 50 млн. АҚШ. доллари миқдорида тўғридан-тўғри ҳорижий инвестиция киритилади.)

5-йўналиш: Маҳаллий солиқларнинг йиғувчанлик кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, **2017 йил** учун бюджетга тушумлар бўйича **18,1 млрд.сўм** белгиланган прогноз **18,8 млрд. сўмга** ёки **103,7 фоизга** бажарилган. **2018 йил** учун бюджетга тушумлар бўйича **21,8 млрд.сўм** белгиланган прогноз **25,6 млрд.сўмга** ёки **117,3 фоизга** бажарилган. **2019 йил** учун бюджетга тушумлар бўйича **41,8 млрд.сўм** белгиланган прогноз **46,8 млрд.сўмга** ёки **111,9 фоизга** бажарилган. 2020 йилнинг 9 ойлик учун бюджетга тушумлар бўйича **27,8 млрд.сўм** белгиланган прогноз **29,3 млрд.сўмга** ёки **105,0 фоизга** бажарилди.

Йил якунига қадар белгиланган **45,2 млрд.сўм** прогнозни тўлиқ бажариш билан бирга қўшимча манбаларни жалб қилиш орқали аниқ ҳисоб-китобларга асосан **3,8 млрд.сўм** маблағ ундириб, тушумларни 49.0 млрд.сўмга етказишни режалаштириб олганмиз.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики 3 йил давомида бюджетга тушумлар ҳажми 2,6 бараварга ўсишига эришилмоқда.

6-йўналиш: Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиқлиги кўрсаткичлари бўйича Президент

Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали келиб тушган такрорий мурожаатлар сони **36 тани** ташкил этиб, туманда истиқомат қилувчи ҳар **1000 кишига** тўғри келадиган сони **0,31 тани** ташкил этди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган биринчи ярим йиллиги давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ҳамда Халқ қабулхоналаридан жами **16 та** такрорий мурожаат келиб тушган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **16 тага** камайганлигини кўришимиз мумкин. (2019 йилда 26 та).

Хусусан, келиб тушган такрорий мурожаатларнинг асосий қисми моддий ёрдам ажратиш, уй-жой ажратиб бериш ва уй-жойини таъмирлаш масалаларини ташкил этмоқда.

Шунингдек, 2019 йилда келиб тушган жами **560 та** мурожаатнинг **287 таси** ёки **51,2 фоизи** қаноатлантирилган.

Бу борада жорий йилнинг ўтган даври давомида Президент Виртуал ҳамда Халқ қабулхоналаридан жами **256 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **162 тага** ёки **61 фоизга** камайган (2019 йилда 418 та).

Ушбу келиб тушган **256 та** мурожаатларнинг барчаси тегишли тартибда кўриб чиқилган бўлиб, шундан **46,8 фоизи** қаноатлантирилган. (2019 йилда 35 % қаноатлантирилган).

Юқоридаги йўл қўйган камчиликларни жорий йилда такрорламаслик учун аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Жумладан,

2020 йил якунига қадар туманнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми **104,6 фоизга** (794,9 млрд.сўм), **қурилиш ишлари ҳажми 105,1 фоизга** (138,0 млрд.сўм), **чакана савдо айланмаси ҳажми 101,7 фоизга** (230,9 млрд.сўм) ва **хизматлар ҳажми 101,4 фоизга** (111,5 млрд.сўм) ўсиши кутилмоқда.

2019 йилда экспорт ҳажми **8,9 млн. долларни** ташкил этиб, аҳоли жон бошига эса **76,0 доллардан** тўғри келган. Ушбу йўналишда тумандаги **12 та** корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этиш эвазига жорий йилнинг 9 ойи давомида жами **5,8 млн. АҚШ долларлик** маҳсулотлар экспорти амалга оширилиб, йиллик режа **93,5 фоизга** бажарилди. (Йиллик режа: 6,2 млн. доллар).

Йил якуни билан **жами 10,5 млн. АҚШ доллари** миқдорида маҳсулотлар экспорти амалга оширилиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган экспорт ҳажмини **90,0 АҚШ долларига** етказилишига эришилади.

Фурқат туманида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, тижорат банклари томонидан 2017 йилда жами **789 та** субъектга **9 млрд. 941 млн.сўмлик**, 2018 йилда жами **1690 та** субъектга **43 млрд. 605 млн.сўмлик** 2019 йилда жами **3108 та** субъектга **32 млрд. 53 млн.сўмлик** кредит маблағлари ажратилган бўлса, жорий йилнинг 8 ойи давомида **826 та** субъектга **21 млрд. 670 млн.сўмлик** кредитлар ажратилган ёки 2019 йилда ажратилган кредитларга нисбатан жорий йилнинг 8 ойида **301,0 млн.сўм** кўп ажратилган.

Туманда 2017 йилда **408 та** кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир уларнинг сони **791 тага** етди. Натижада, янги ташкил этилган **383 та** корхоналар ҳисобига **1200 дан** ортиқ қўшимча иш ўринлари яратилди.

Туман бўйича **38 та** бўш турган бино-иншоот ва ер майдонлари мавжуд. Шундан **3 таси** давлат мулки объектлари ҳамда **35 таси** хусусий сектор тасарруфидаги фойдаланилмасдан бўш турган бино-иншоотлардир. Шунингдек, **3 та** давлат активлари хусусийлаштирилиши белгиланган бўлиб, барча давлат активи оммавий электрон-онлайн савдоларга чиқарилган.

Ушбу савдога чиқарилган **3 та** давлат активдан **1 таси**, яъни Фурқат тумани Тинчлик қишлоғида жойлашган собиқ болалар боғчаси бино иншоотлари **250 млн.сўм** инвестиция киритиш ва **8 та** янги иш ўрни яратиш мажбурияти билан сотилиши таъминланди. Йил охирига қадар электрон-онлайн савдосида турган **2 та** объект сотилиши таъминланади.

Шунингдек, туман бўйича **1,08 га** бўш ер майдонларидан **61 та** участка аниқланган бўлиб, шундан **1,07 га** ер майдонида **52 та** ер участкаси “Е-электрон” ААТга киритилган, қолган **9 таси** ваколатли органларда хулосалари олиш жараёнида.

Ахборот тизимига киритилган ер участкаларининг **52 таси** аукцион савдоларига чиқарилган бўлса, савдога чиқарилган ер участкаларининг **22 таси** ёки **42 фоизи** сотилган. Қолган **30 тасини** жорий йил якунига қадар сотилиши таъминланади.

Туманни **2020-2022 йилларда** ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури доирасида қиймати **1 трлн. 48 млрд. сўм**лик лойиҳалар амалга оширилиши натижасида **5 минг 210 та** янги иш ўринлари яратилишига эришилади.

Ушбу лойиҳаларни шакллантиришда асосан **саноат соҳасига алоҳида эътибор қаратган ҳолда** қиймати **552,2 млрд.сўм**лик **30 та** инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. (**1000 та** янги иш ўрни яратилади)

3

Саноат махсулотлари ишлаб чиқариш бўйича туманнинг вилоятдаги улушини 0,5 %дан 2020 йилда 1,5 % га кўтариш учун қуйидаги имкониятлардан фойдаланамиз.

Жумладан,

Фурқат тумани чорвачиликка ихтисослашган туман бўлиб, **34 та** чорвачилик фермер хўжаликлари томонидан **17,0 минг тонна** сут махсулоти етиштирилади. Янги ташкил этилган **“NATIONAL DAIRY INDUSTRY” МЧЖ ҚК** томонидан сутни қайта ишлаш лойиҳасини ишга туширилиши натижасида йилига **3,0 минг тонна** сут қайта ишланади. Лойиҳани ишга туширилиши натижасида 4-чоракда **10 млрд.сўм** саноат махсулотлари ҳажми кўпайиши ва бюджетга қўшимча йил якунига қадар **1,0 млрд.сўм** солиқ тушуми туширилиши таъминланади. Лойиҳани ишга туширилиши натижасида **30 та** янги иш ўринлари яратилади.

Туманда ривожланган қишлоқ хўжалигининг яна бир тармоғи пахта етиштиришда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Туманда ташкил этилган **“Фейхан-Кластер” МЧЖ** томонидан 2020 йилда етиштирилган пахта ҳосилини қайта ишлаш натижасида 4-чоракда **40 млрд.сўм** саноат махсулотлари ҳажми кўпайиши ва бюджетга қўшимча йил якунига қадар **3,0 млрд.сўм** солиқ тушуми туширилиши таъминланади.

Бундан ташқари, Андижон вилоятида рўйхатдан ўтган **“Scorton textil” МЧЖ ҚК**нинг Фурқат туманида жойлашган калава ип ишлаб чиқариш корхонасини туманда қайта рўйхатдан ўтказиш ҳисобига 4-чоракда **30 млрд.сўм** саноат махсулотлари ҳажми кўпайиши ва бюджетга қўшимча йил якунига қадар **3,0 млрд.сўм** солиқ тушуми туширилиши таъминланади. Лойиҳани ишга туширилиши натижасида **300 та иш ўринлари тикланади.**

Жорий йилнинг 29 сентябр куни Фарғона вилояти ҳокими раҳбарлигида вилоят фаоллари билан ўтказилган йиғилишида вилоят ҳокими томонидан **2020-2021 йилларда** вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, кичик саноат зоналари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, бўш турган объектларни салоҳиятли хорижий ва маҳаллий инвесторларга бериш орқали вилоятда тадбиркорликни янада ривожлантириш ва ҳудудлардаги **ҳар бир сектор раҳбари ўзининг ҳудудида Кичик саноат зонасини ташкил этиш топшириғи берилган.**

Йиғилишдаги топшириқлардан келиб чиқиб 4 та сектор ҳудудига 4 та кичик саноат зонаси ташкил этиш таклифи берилди.

1-сектор: Тумандаги **Томоша МФЙ** ҳудудига умумий майдони **1,4 гектар** бўлган кичик саноат зонаси ҳудудига туманда ривожланган ёғоч ўймакорлиги ва мебел ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширилиши натижасида туман саноатига 2021 йилда қўшимча **10,0 млрд.сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқариш хажми қўшилади ва 50 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

2-сектор: **Истиқлол МФЙ** ҳудудига **1,8 гектар** майдонги **“Истиқлол” кичик саноат зонасидаги** лойиҳа қиймати **5,5 млрд.сўмлик “Атлас инвест” МЧЖ** ва **“Кристал стайл текс” оилавий корхонаси** фаолиятини ишга туширилиши ҳисобига йил якунига қадар **5 млрд.сўм** маҳсулот ишлаб чиқариш хажми қўшилади, **130 та** янги иш ўринлари яратилади ва бюджетга **1,0 млрд.сўм** маблағ тушириш таъминланади.

3-сектор: **Ардахшон МФЙ** ҳудудига бўш турган **1,5 га** ер майдонида ҳам кичик саноат зонасини ташкил этиш таклифини ҳам ишлаб чиққанмиз. Ушбу кичик саноат зонамизда **сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш, озуқа ем гранулаларини ишлаб чиқаришни** йўлга қўямиз. Натижада туман саноатига 2021 йилда қўшимча **10,0 млрд.сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқариш хажми қўшилади ва **100 дан ортиқ янги иш ўринлари** яратилади.

4-сектор: **Навбахор МФЙ** ҳудудига бўш турган **1,8 га** ер майдонида ҳам кичик саноат зонасини ташкил этиш таклифи берилмоқда. Ушбу кичик саноат зонамизда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Натижада туман саноатига 2021 йилда қўшимча **20,0 млрд.сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқариш хажми қўшилади ва **100 дан ортиқ янги иш ўринлари** яратилади.

Бундан ташқари, йил якунига қадар ишга тушириладиган янги **18 та 28,8 млрд.сўмлик** инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига йил якунига қадар саноат маҳсулотлари хажми **3,0 млрд.сўмга** кўпаяди, **230 та** янги иш ўринлари яратилади ва бюджетга **0,5 млрд.сўм** қўшимча даромад тушими туширилиши таъминланади.

Бундан ташқари **хунармандчилик** соҳасида, **“Уста Юсуфжон наққош” оилавий корхонасининг** ёғоч ўймакорлиги хунармандчилик мактаби қошида устоз-шогирд мактабини ташкил этилиши натижасида қўшимча 500 нафар ёшлар бандлигини таъминланади. Натижада туман саноатига 2021 йилда қўшимча **10,0 млрд.сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқариш хажми қўшилади.

Юқорида қайд этиб ўтилган ишларни сектор раҳбарлари ва тумандаги барча мутасадди ташкилотлар билан биргаликда амалга ошириб, 2020 йилнинг якуни билан туманни **“қизил ҳудуд”** тоифасидан чиқарилиши учун барча имкониятлар сафарбар этилади.

ФУРҚАТ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ.

2020-10-03 15:07:57